

2-1-2020

METHODOLOGICAL BASES OF CLASSIFICATION OF COMPONENTS OF NATIONAL WEALTH

A. Mamanazarov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Mamanazarov, A. (2020) "METHODOLOGICAL BASES OF CLASSIFICATION OF COMPONENTS OF NATIONAL WEALTH," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 28.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ТАСНИФЛАНИШИНING УСУБИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада мамлакат миллий бойлигини ташкил қилувчи асосий унсурлар, уларнинг иқтисодий мазмуни ва таснифланиш тамойиллари бўйича турли хил назария ва концепциялар таҳлил қилинган. Шунингдек, мавзуга оид тегишли хулосалар чиқарилиб, миллий бойлик унсурларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: миллий бойлик, табиий ресурслар, ишчи кучи, интеллектуал бойлик, иқтисодий ҳудуд, миллий ҳисоблар тизими (МХТ).

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАССИФИКАЦИИ СОСТАВНЫХ ЧАСТЕЙ НАЦИОНАЛЬНОГО БОГАТСТВА

В статье анализируются различные теории и концепции о сущности и принципах классификации основных элементов национального богатства страны. Также сделаны соответствующие выводы по тематике и указаны основные направления совершенствования элементов национального богатства.

Ключевые слова: национальное богатство, природные ресурсы, рабочая сила, интеллектуальное богатство, экономическая зона, система национальных счетов.

METHODOLOGICAL BASES OF CLASSIFICATION OF COMPONENTS OF NATIONAL WEALTH

The article analyzes various theories and concepts about the nature and principles of the classification of the main elements of the country's national wealth. Also, relevant conclusions on the topic were made and the main directions for improving the elements of national wealth were indicated.

Key words: national wealth, natural resources, labor, intellectual wealth, economic zone, system of national accounts.

Кириш

Узоқ йиллар давомида олимлар миллий бойлик таркибий қисмларини таснифлаш бўйича жуда кўп илмий изланишлар олиб боришган. Бироқ, бу ҳаракатлар реал ҳаётда ўз самарасини бермади ва ҳозирги кунда ҳам турли мамлакатларнинг миллий бойлиги таркибий қисмларини таснифлашнинг умум қабул қилинган ягона услубияти яратилмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ статистика қўмитаси 1993 йилда миллий ҳисоблар тизими (МХТ) асосида миллий бойлик ва унинг таркибий қисмларини таҳминан бўлса ҳам ҳисоблаш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди. 2008 йилга келиб ушбу тизим янада такомиллаштирилди ва унинг натижаси МХТ-2008 халқаро андозасида ўз ифодасини топди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг келажақда мамлакатни янада ривожлантиришга мўлжалланган стратегик вазифаларида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва

Халқаро валюта фондининг Миллий ҳисоблар тизимини республикада 2020 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ жорий этиш»[1] вазифаларининг белгилаб қўйилиши республикада яратилаётган миллий бойлик таркибий қисмларини ҳисоблаш ва уларни таснифлаш масалаларини ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бирига айлантди.

Тадқиқот мақсади - иқтисодиётни жадал ривожлантириш шароитида миллий бойлик таркибий қисмларини таснифлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

- миллий бойлик таркибий қисмларини таснифлаш бўйича назарий-услубий манбалар ва илмий қарашларни танқидий таҳлил қилиш;

- миллий бойлик унсурларини таснифлаш жараёнида вужудга келадиган услубий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- МХТ тамойиллари асосида миллий бойлик унсурларини таснифлаш усулларини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ж.Кейнс, Р.Стоунлар мамлакатда яратилган миллий бойлик таркибий қисмлари таснифланишининг назарий ва услубий асослари борасида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб боришган [4;12].

МДХ олимларидан Ю.Н.Иванов, В.Н.Салинлар эса ўз илмий асарлари билан миллий бойликнинг ҳудудлар бўйича таркибини таҳлил қилиш методологиясининг ривожланиши ўрганилишига муносиб ҳисса қўшган [3;11].

Мамлакатимизда миллий бойлик унсурларини тадқиқ қилишда Б.Ғойибназаров миллий ҳисоблар тизимида алоҳида эътибор қаратиб, бунда миллий бойликнинг тегишли ҳисоб кўрсаткичларида акс эттирилишига эътибор қаратади [16].

Ҳозирги кунгача амалга оширилган илмий ишларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, миллий бойлик таркибий қисмлари таҳлили бўйича юқорида номлари зикр қилинган олимлар асосан муаммонинг статистик томонларини тадқиқ этишга эътибор қаратишган. Бироқ, уларда миллий бойликнинг шаклланиш механизмлари, уни ташкил қилувчи унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни таснифлашнинг назарий томонлари тадқиқ этилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг кўпайиши унинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган моддий бойликлар ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда олтин-валюта захиралари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланишича, “Иқтисодиётда позитив ўзгариш кузатилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар 4,2 млрд. долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 37%га етди. Иқтисодий ўсиш 5,6%ни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6%га, экспорт 28%га кўпайди, олтин-валюта захираларимиз 2,2 млрд долларга ортиб, 28,6 млрд долларга етди.” [2]

Ўтган 2019 йилда эришилган ижобий натижалар мамлакат миллий бойлигининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатиши табиий ҳол, албатта. Бу эса, ўз навбатида, миллий бойликнинг таркибий қисмларини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Миллий бойлик таркибий қисмларини таҳлил қилиш учун уларни маълум бир мезонлар бўйича таснифлаш зарур бўлади.

Миллий бойлик таркибий қисмларини таснифлашда энг аввало, унинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни шакллантириш зарур. Иқтисодчилар миллий бойлик унсурларини гуруҳларга ажратиш ва таснифлашда иқтисодий активлар, уларнинг шаклланиш манбалари, мақсади ва фойдаланиш йўналишлари, даромад даражаси, капиталнинг моддий ва номоддий турларга бўлиниш хусусиятлари, фойдаланиладиган ресурслар турлари, мулкчилик шакллари, ижтимоий фойдали меҳнат соҳалари (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш), мамлакат ҳудудлари, иқтисодий ҳудудлар, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва роли, микро ва макро даражаларда шаклланиш хусусиятлари бўйича алоҳида белгиларга эътибор қаратишни таъкидлашади. [3,4,7,8,10,11]

Бизнинг фикримизча, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий бойлик унсурларини қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

- географик белгилар бўйича (ҳудуд ва минтақалар даражасида);
- шаклланиш даражалари бўйича (микро, мезо ва макро даражалар);
- ишлаб чиқариш жараёни босқичлари ва турлари бўйича (такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва ролидан келиб чиққан ҳолда).

МХТ нуқтаи-назаридан миллий бойлик деганда, мамлакатда муайян даврда мавжуд бўлган барча иқтисодий активлар, яъни, номолиявий ва соф молиявий активлар йиғиндиси тушунилади (1-жадвал).

1-жадвал

МХТ услубияти бўйича миллий бойлик таркибига кирувчи активларнинг таснифланиши [3]

I. Номолиявий активлар	II. Молиявий активлар
1. Ишлаб чиқариш хусусиятидаги активлар.	1. Олтин пул ва қарз олиш учун берилган махсус ҳуқуқлар
1.1. Моддий активлар	
1.1.1. Моддий айланма маблағлар захиралари	2. Нақд пул ва қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)
1.1.2. Қимматбаҳо буюмлар	
1.1.3. Узоқ муддат хизмат қиладиган истеъмол товарлари.	
	3. Ссуда ва кредитлар

1.2. Номоддий активлар (асосий фондлар)	4. Акция ва капиталда иштирок қилишнинг бошқа турлари.
1.2.1. Фойдали қазилма бойликларни излаш харажатлари	5. Суғурта захиралари.
1.2.2. ЭХМ дастурий таъминоти	6. Дебитор ва кредиторларнинг бошқа ҳисоблари.
1.2.3. Адабиёт ва санъат асарлари	
1.2.4. Бошқа номоддий активлар	
2. Ноишлаб чиқариш хусусиятидаги активлар	
2.1. Моддий активлар	Тўғридан-тўғри инвестициялар.
2.1.1. Ер	
2.1.2. Ер ости ва усти бойликлари	
2.1.3. Қайта ишланмаган табиий бойликлар	
2.1.4. Сув ресурслари	
Номоддий активлар	
2.2.1. Патент, муаллифлик ҳуқуқи, лицензиялар	
2.2.2. Ижара шартномалари	
2.2.3. “Гудвилл”	
2.2.4. Бошқа номоддий активлар	

Миллий бойликни шаклланиш манбалари бўйича гуруҳлаш уни моддий ва номоддий неъматлар йиғиндиси сифатида қараш имкониятини беради. Яъни, иқтисодий айланмаган жалб қилинган ва жамғарилган меҳнат маҳсуллари (бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё, кийим-кечак ва х.к.) ҳамда номоддий неъмат ҳисобланган бошқа бойликлар (патент, муаллифлик ҳуқуқи, лицензия ва х.к.) [10]

Миллий бойликнинг бу тарзда таснифланиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва турли соҳалардаги мутаносиблик, моддий техник база мустаҳкамлиги, иқтисодиёт тармоқларининг ўзига ҳос хусусиятлари, номоддий неъматлардан фойдаланиш ва уларни жамғариш жараёнидаги ўзгаришларни ифодалайди. [15]

Миллий бойлик таркибий қисмлари бажарадиган вазифаларига кўра, юқоридаги таснифлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги унсурларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш воситалари, яъни, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ишлаб чиқариш кучлари (ишлаб чиқариш хусусиятидаги бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, ер, минерал бойликлар, хом ашё захиралари ва х.к.);

- истеъмол буюмлари, яъни, ноишлаб чиқариш хусусиятидаги истеъмол талабларини қондиришга хизмат қиладиган моддий ва номоддий неъматлар.

Бизнинг фикримизча, миллий бойлик таснифланишини юқоридаги шаклда ўрганиш иқтисодиётда ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларини жамғаришнинг реал ўсишини баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу унсурлар таҳлили мамлакат ҳамда унинг ҳудудларида ишлаб чиқариш салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида миллий бойлик унсурларини таснифлашда асосий эътибор унинг даромад келтирадиган қисмларига, яъни, турли хил ишлаб чиқариш омилларига қаратилади. Бу улар (ишлаб чиқариш омиллари) орқали мамлакат ёки ҳудуднинг ялпи капитал ҳажмини баҳолаш имконини беради ва иқтисодиёт учун жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

2-жадвал миллий бойликнинг ҳар бир унсури қандай даромад келтириши мумкинлигини таҳлил қилиш ҳамда ушбу тушунчанинг икки хил талқини, яъни, анъанавий ва замонавий талқинлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш имконини беради.

2-жадвал

Миллий бойлик унсурларининг даромад келтириши бўйича гуруҳланиши [17]

Унсурлар	Даромад	Категориялашган	
Такрор ишлаб чиқариладиган моддий-ашёвий активлар	Фойда	Миллий бойликнинг анъанавий кўриниши	Кенгайтирилган концепция бўйича миллий бойлик
Табиий ресурслар	Анъанавий рента		
Молиявий активлар	Фоиз		
Ишчи кучи капиталли	Иш ҳақи	Кенг маънодаги меҳнат	
- ишчи кучининг туғма қобилияти	Иқтисодий рента		
- ноу-хау, патент, муаллифлик ҳуқуқи ва х.к.			
- соф меҳнат		Тор маънодаги меҳнат	

Муаллиф томонидан тузилган

Юқоридаги гуруҳлаш қоидаларига кўра миллий бойликнинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган, жамғариладиган ва даромад келтирадиган барча унсурлари капитал сифатида қабул қилинади.

Миллий бойликнинг кенгайтирилган концепцияси тарафдорларидан бири америкалик иқтисодчи Дж.Кендрик ҳисобланади. У капитал ва бойлик тушунчасини “...муайян муддат оралиғида маҳсулот ва даромад яратиш қобилиятига эга бўлган активлар” [5] - деб талқин қилади.

Фикримизча, капитални иккита, яъни, моддий ва номоддий капиталга ажратиш мақсадга мувофиқ.



1-расм. Ялпи капитал таркиби. [6]

1-расмда кўрсатилган моддий капитал бевосита моддий шаклга эга бўлган, номоддий капитал эса, аниқ бир жисмоний кўриниш ёки шаклга эга бўлмаган, лекин моддий капиталда мужассамлашиб, унинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган капиталдир. Ялпи капиталнинг бу хил кўриниши ўз навбатида, яна иккита қисмга, яъни, “инсонда мужассамлашмаган” ва “инсонда мужассамлашган” ёки “инсон капитали”га бўлинади.

“Инсонда мужассамлашмаган” моддий капитал таркиби бойликнинг анъанавий шакллари – бино-иншоотлар, ер, табиий ресурслар, узоқ муддат фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, товар-моддий бойликлар захираларидан иборат. [11]

“Инсонда мужассамлашган” моддий капитал инсоннинг жисмоний ҳолатини нормал ҳолда ушлаб туриш учун қилинадиган сарф-харажатлар миқдори билан белгиланади. Масалан, фарзанд тарбияси (таълим харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда).

Инсон капиталининг номоддий турига умумтаълим ва махсус тайёрлов учун сарфланган жами харажатлар киради. Уларнинг бир қисми фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларга йўналтирилади.

Муаммога бундай ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда миллий бойлик таркибий қисмларини ўрганиш ва таснифлашда инсон капитали ва унинг миллий бойлик унсурларининг барчасида қўлланилиши нуқтаи-назаридан қаралади.

Фикримизча, миллий бойлик унсурларини унинг шаклланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндашув миллий бойликни тадқиқ қилишда ресурсларнинг таъсир даражасини ўрганиш ва шундан келиб чиққан ҳолда уларни гуруҳлашга имкон беради. Бундай ҳолатда мамлакатнинг ресурс салоҳияти бўлиб, ўзаро боғлиқ моддий-ашёвий, энергетик, ахборот воситалари ва ишчи кучидан иборат бўлган жами ресурслар тизими ҳисобланади. Улардан миллий бойликни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, бу ерда миқдор ва сифат жиҳатдан бир хил бўлган ресурслар улардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигига қараб турли хил салоҳиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Миллий бойликнинг ўзида жуда кўп ахборот тавсифига эга бўлган маълумотларни мужассамлаштирган унсурларини таснифлаш жараёнида ишлаб чиқариш (иктисодий) ресурсларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда унсурларнинг ахборот манбаси бўлиб, мулкчилик шакллари (давлат, жамоа, хусусий, аралаш ва ҳ.к.) бўйича миллий бойлик активларининг таснифланиши, уларни тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари ҳисобланади. Бундан ташқари, мулкдорларнинг миллий бойлик таркибий қисмларидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ҳам муҳим ахборот манбаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у аҳоли турли хил гуруҳлари ихтиёрида фойдаланишда бўлган бойликлар улуши бўйича ҳам маълумот олиш имконини беради. Бу эса, аҳолининг у ёки бу истеъмол неъматлари билан таъминланганлиги ва турмуш даражасини тавсифлайди.

Миллий бойлик таркибий қисмларининг иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, моддий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича таснифланиши иқтисодий таҳлил учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, у миллий бойлик таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва шу кабиларнинг улушини аниқлаш имконини беради. Масалан, собиқ иттифоқ даврида жамғарилган бойликнинг асосий қисми саноат ҳиссасига тўғри келган. [9]


Ҳозирги кунда миллий бойлик унсурларининг бу тарзда таснифланиш тамойилидан мамлакатда ЯИМни кўшилган қийматлар бўйича ҳисоблаш жараёнида фойдаланилади. [16]

Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича миллий бойлик унсурларини таснифлаш тамойилларининг қўлланилиши аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг (фан, таълим, тиббиёт, коммунал хизматлар ва ҳ.к.) жамият бойлигидаги улушини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат, унинг маъмурий ва иқтисодий ҳудудлари бўйича миллий бойликнинг актив ва пасив унсурлари ўртасидаги нисбатни аниқлаш ҳамда ундан фойдаланиш даражасини таққослаш мақсадида миллий бойлик унсурларини моддий-ашёвий таркиби (асосий капитал: бино-иншоот, асбоб-ускуна, техника-технология ва ҳ.к., айланма капитал: хом ашё, материал, ёқилғи ва ҳ.к., уй хўжалиги мулклари: узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарлар ва ҳ.к.) бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида миллий бойлик унсурларининг ҳудудлар бўйича таснифланишини муҳим роль ўйнайди. Бундай таснифланиш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, аҳоли турмуш даражаси ва миллий бойликнинг оқилона жойлаштирилишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу ёндашув ҳудудлар бўйича миллий бойликни такрор ҳосил қилиш, жамғариш, самарали тақсимлаш ва фойдаланиш даражаси ҳамда динамикасини ўрганишда ёрдам беради.

Фикримизча, юқоридаги ёндашувдан келиб чиққан ҳолда миллий бойлик шаклланишини микро ва макро даражаларда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. (2-расм)



2-расм. Миллий бойликнинг шаклланиш босқичлари¹

МДҲ мамлакатларида миллий бойлик таснифланиши уларнинг миллий ҳисоблар тизими (МХТ)га ўтиш муносабати билан 1990 йилларда амалга оширила бошланди. МХТда тармоқлар кесимида ялпи ишлаб чиқариш, оралик истеъмол ва пировард маҳсулот қийматлари ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш ҳисобламасида ўз ифодасини топади. Иқтисодиётнинг асосий секторлари

¹ Муаллиф томонидан тузилган

бўйича эса, ишлаб чиқариш, ялпи ихтиёридаги даромаддан фойдаланиш (якуний истеъмол харажатлари), капитал билан операциялар (асосий ва айланма капиталга инвестициялар) ҳисобламаларида акс эттирилади.

Хулоса ва таклифлар

Умуман, юқорида келтирилган маълумотлар асосида ушбу тадқиқот ишида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Миллий бойлик кенг маънода ўз ичига нафақат моддий ва номоддий неъматлар, яратилган санъат асарлари, интеллектуал салоҳиятни, балки табиат ресурслари ва бойликлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароитларини ҳам олади. Тор маънода эса, миллий бойлик инсоният меҳнати билан яратилган ва такрор ишлаб чиқариш мумкин бўлган барча моддий бойликларни ўз ичига қамраб олади.

Миллий бойлик таркибий қисмларини таснифлашда энг аввало, унинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни шакллантириш зарур.

Миллий бойликни шаклланиш манбалари бўйича гуруҳлаш уни моддий ва номоддий неъматлар йиғиндиси сифатида қараш имкониятини беради. Яъни, иқтисодий айланмаган жалб қилинган ва жамғарилган меҳнат маҳсуллари (бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё, кийим-кечак ва х.к.) ҳамда номоддий неъмат ҳисобланган бошқа бойликлар (патент, муаллифлик ҳуқуқи, лицензия ва х.к.)

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишида қуйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

Миллий бойлик унсурларини унинг шаклланишидаги географик белгилар (худуд ва минтақалар даражасида), шаклланиш даражалари (микро, мезо ва макро даражалар), ишлаб чиқариш жараёни босқичлари ва турлари бўйича (такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва ролидан келиб чиққан ҳолда) бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Миллий бойликнинг капитал таркибини иккита, яъни, моддий ва номоддий капиталга ажратиш мақсадга мувофиқ. Моддий капитал бевосита моддий шаклга эга бўлган, номоддий капитал эса, аниқ бир жисмоний кўриниш ёки шаклга эга бўлмаган, лекин моддий капиталда мужассамлашиб, унинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган капиталдир.

Фойдаланилган манбалар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 25 декабрь.
3. Иванов Ю.Н. Статистика национального богатства. // «Вопросы статистики», 2019. №12. стр. 9.
4. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процентов и денег. Пер. с англ. – М.: Статистика. 1978. -576 с.;

5. Кендриж Дж. Совокупный капитал США и его формирование. – М.: Прогресс, 1978. -С.275
6. Леонтев В. Экономические эссе. – М.: Политиздат, 1990. -415 с.
7. Маршалл Ж. Новые элементы французской системы национальных счётов. – М.: Статистика, 1967. -374 с.;
8. Нестеров Л.И. Новые веяния в статистике национального богатства России // Вопр. статистики. 2000. № 10. С. 15-21.
9. Нестеров Л.И. Особенности воспроизводства национального богатства в начале XXI века. М., 2006.
10. Осадчая Т.Г., Смолина Е.Э. Национальное богатство в России: как управлять эффективно?: монография. Тамбов, 2005.
11. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов. – М.: Финансы и статистика. 2006. -270 с.;
12. Стоун Р. Метод «затраты-выпуск» и национальные счёта. – М.: Статистика, 1964. -212 с.;
13. Федоренко Н.П. Россия на рубеже веков. М., 2003.
14. Хикс Дж. Стоимост и капитал. – М.: Прогресс, 1993. -240 с.;
15. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Фан ва технология. 2019. 238 б.
16. Ғоибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. - Т.: Адабиёт жамғармаси. 2004. -106 б.;
17. E.Korso. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011 // <http://siteresources.worldbank.org/INTDEBTDEPT/Resources/4689801316457581843/TPIGandHRV.pdf>.
18. C.Aoyagi, G.Ganelli. Asia's Quest for Inclusive Growth Revisited. 2015, International Monetary Fund // <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1542.pdf>;